

ИККИ АКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛИ АЙРИМ ЮРИШ-ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ АСПЕКТУАЛ ВАЗИЯТЛАРДА ҚЎЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНОЛАРИ

Азиза Одиловна МУМИНОВА

Эркин тадқиқотчи

Немис тили ва адабиёти кафедраси

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Самарқанд, Ўзбекистон

УПОТРЕБЛЕНИЕ И ЗНАЧЕНИЯ НЕКОТОРЫХ ЛИМИТАТИВНО- НЕЙТРАЛЬНЫХ ГЛАГОЛОВ ДВИЖЕНИЯ В АСПЕКТУАЛЬНЫХ СИТУАЦИЯХ

Азиза Одиловна МУМИНОВА

Соискатель

Кафедра немецкого языка и литературы

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Самарканд, Узбекистан

THE USEGE AND THE MEANINGS OF SOME NEUTRAL-LIMITED VERBS OF MOTION IN ASPECTUAL SITUATIONS

Aziza Odilovna MUMINOVA

Free Researcher

Department of the German Language and Literature

Samarkand State Institute of Foreign Languages

Samarkand, Uzbekistan aziza-310187@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 82-14

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Муминова А. О. Х. Икки акционал хусусиятли айрим юриш-ҳаракат феълларининг аспектual вазиятларда қўлланиши ва уларнинг маънолари// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 2 (37). — Б. 45-54.

<https://doi.org/10.36078/1621056487>

Received: March 25, 2021

Accepted: April 18, 2021

Published: April 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

Аннотация. Мақолада немис тилидаги лимитатив нейтрал хусусиятли айрим юриш-ҳаракат феълларининг аспектual вазиятларда ифодалайдиган маънолари ёритилган. Муаллиф мазкур феълларнинг ўзбек тилида берилиш шакллари ҳамда улардаги ўхшаш ва фаркли жиҳатларни ўзбек ва немис тиллари мисолида қиёсий планда ўрганган. Шунингдек, мақолада лимитатив нейтрал хусусиятли юриш-ҳаракат феъллари иштирокидаги аспектual вазиятларни ҳосил бўлишида иштирок этувчи конкретизаторлар ва уларнинг таъсири турли мисоллар орқали таҳлил қилинган. Немис тилидаги лимитатив нейтрал хусусиятли юриш-ҳаракат феъллари контекста турли (терминатив, процессуал, итератив, терминатив + процессуал, инхотатив) аспектual вазиятларда қатнаша, ўзбек тилидаги шундай хусусиятли юриш-ҳаракат феъллари иштирокидаги аспектual вазиятлар ўзаро фарқланиши мумкин. Масаланинг мазкур жиҳатлари иккала тилга оид мисоллар орқали ёритилган. **Калит сўзлари:** аспектualлик; акционаллик; ҳаракат тарзи; чегараланганлик/ чегараланмаганлик; лимитатив нейтрал; юриш-ҳаракат феъли; аспект; тугалланганлик/ тугалланмаганлик;

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

аспектуал вазият; терминативлик; процессуаллик; итеративлик; инхоативлик; параллелизм; комбинация; конкретизатор.

Аннотация. В этой статье описываются значения некоторых лимитативно-нейтральных глаголов движения в аспектуальных ситуациях. Автор изучил формы передачи этих глаголов в узбекском языке, их сходство и различие в плане сравнения на примере двух языков. В статье также анализируются конкретизаторы, участвующие в формировании аспектуальных ситуаций, включающих лимитативно-нейтральные глаголы движения и их эффекты, на различных примерах. В то время как глаголы с лимитативно-нейтральным характером в немецком языке участвуют в различных аспектных ситуациях в контексте (терминативный, процессуальный, итеративный, терминативный + процессуальный, инхоативный), аспектуальные ситуации, связанные с поведенческими глаголами с такой характеристикой в узбекском языке, могут различаться. Эти аспекты проблемы иллюстрируются примерами на двух языках.

Ключевые слова: аспектная; акциональная семантика; способы действия; предельность/непредельность; лимитативная нейтральность; глаголы движения; аспект; совершенность/несовершенство; аспектуальная ситуация; терминативность; процессуальность; итеративность; инхоативность; параллелизм; комбинация; конкретизатор.

Abstract. In this article the meanings of some verbs of motion of neutral-limited character are described in German language in aspectual situations. The author studied the forms of transmission of these verbs in Uzbek language, their similarities and distinction according to the comparative plan on the example of two languages. Concretizators, participating in forming of aspectual situations, including neutral-limited characteristic features of motion verbs, and their effects in different examples, is also analyzed in the article. While verbs with a limitative neutral character in German participate in different aspectual situations in the context (terminative, procedural, iterative, terminative + procedural, inchoic), aspectual situations involving behavioral verbs with such a characteristic in Uzbek may differ. These aspects of the issue are illustrated by examples from both languages.

Keywords: aspectuality; actionality; method of action; limitation / not limitation; neutral-limited; motion verb; aspect; completed / unfinished; aspectual situation; terminology; effectiveness; iterativity; inaccuracy; parallelism; combination; concretizators.

Аспектология грамматиканинг бир бўлими бўлиб, унинг ўрганилиши қадим тарихга эга. В. Н. Ярцеванинг фикрича, антик даврдаёқ аспектуалликка оид илк қарашлар юзага кела бошлаган. Жумладан, Аристотель биринчи бўлиб, феълларнинг чегараланган/чегараланмаган акционал гуруҳларини ажратиб берган. Кейинчалик феъл шакллари ифодага келган баъзи аспектуал фарқларни Аппалоний Дискос (юнон тилида), Варрон (лотин тилида) кўрсатган (15, 412).

Замонавий аспектуаллик фани ўз ичига аспект (тус), акционаллик (чегараланганлик/чегараланмаганлик), ҳаракат тарзи категорияларини камрайди. Мазкур категорияларнинг ҳар бири феъл семантикаси билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, тус — феъл

ифодалайдиган ҳаракатнинг тугалланганлиги/тугалланмаганлиги; акционаллик — феълларнинг чегараланганлиги/чегараланмаганлиги; ҳаракат тарзи бир томондан ҳаракатнинг бажарилиш усулини, иккинчи томондан ҳаракатнинг фазавий семантикаси (бошланиш, давом этиш, тугалланиш) хусусиятларини ифодалайди.

Мақолада икки акционал семантикали феъллар гуруҳига мансуб бўлган юриш-ҳаракат феълларининг аспектual вазиятлардаги маъноларини ёритишда, даставвал, чегараланганлик/чегараланмаганлик, икки акционал хусусиятли (лимитатив нейтрал) тушунчаларига тўхталамиз. Бу борада тилшунослар турли фикрларни билдиришган. Масалан, З. Вендлер бирор феълда ҳаракатнинг тугалланиш маъноси мавжудлигини чегараланганлик деб ҳисоблайди (З, 217–234). И. П. Иванова чегараланган феъллар деганда тугалланиш фазасига етишга интилган ва тугал нуқтага етиш натижасида ҳаракатнинг тўхташини билдирадиган феълларни назарда тутди (6, 64).

В. Н. Ярцева ҳаракатнинг чегарага йўналганлиги ва шу чегарага бутунлай етиб борганликни — чегараланганлик деб, ҳаракат оқимида ҳеч қандай чегарани мўлжалланмаслигини эса чегараланмаганлик сифатида талкин этади (15, 935—942). Ю. С. Масловнинг фикрича, чегараланганлик — феъл семантикасига кирувчи ҳамда феълнинг ички чегарасига қаратилган ва ҳар бир ҳаракатга табиий тарзда берилган ички чегарани ифодалайди. Одатда ҳар бир ҳаракат ўз оқимига кўра ўша чегарага йўналтирилган бўлади ҳамда ушбу чегарага етганда ҳаракат ўз якунига ёки тугал нуқтасига эришади. Чегараланмаганлик — ички чегаранинг мавжуд эмаслигидир (11, 11).

Демак, чегараланганлик — феълнинг ўз лексик потенциали (имкониятида) табиий чегаранинг мавжудлиги бўлса, чегараланмаганлик — феълнинг бундай чегарага эга бўлмаслигидир. Битта феъл семантикасида ана шу икки акционал хусусият (чегараланганлик/чегараланмаганлик) маъноларининг мужассам бўлиши лимитатив нейтраллик (икки акционал хусусиятли)дир. Яъни лимитатив нейтрал хусусиятли феъллар контекст таркибидаги турли лисоний воситалар таъсирида баъзан чегараланганлик, баъзида чегараланмаганлик семантикасига эга бўлиши мумкин.

Рус тилшуноси А. В. Бондарко лимитативликни қуйидагича таърифлайди: «лимитативлик — ҳаракатнинг чегарага бўлган турли муносабатини ифодаловчи семантик категория бўлиб, у ҳам чегаранинг мавжудлиги ҳамда чегаранинг мавжуд эмаслигидир» (2, 45–46). Бизнингча, А. В. Бондарконинг лимитативликка нисбатан келтирган ушбу таърифи ўринлидир, чунки лимитативлик ўзида ҳам чегараланганлик ҳам чегараланмаганликни мужассам этадиган семантик категория ҳисобланади.

Мақолада немис тилидаги икки акционал семантикали юриш-ҳаракат феъллари (*fahren, laufen, rennen*)нинг турли аспектual вазиятлардаги маънолари ва уларни ўзбек тилида берилиш шакллари қиёсан таҳлил қилинган.

Немис тилидаги икки акционал семантикали феълларга *gehen, fahren, laufen, schwimmen, fliegen, reisen, rennen*; ўзбек тилида *бормоқ, юрмоқ, сузмоқ, учмоқ чопмоқ, югурмоқ* кабилар киради.

Ушбу юриш-ҳаракат феъллари контекст таркибида турли аспектual вазиятларда иштирок этиши мумкин. Аспектual вазият деганда гапдаги тил воситалари ёрдамида ифодаланадиган аспектual

маънолар (ҳаракатнинг бошланғич фазаси, якуний нуктага интилиши, ҳаракат оқими ёки ҳаракатнинг тугалланиши кабилар)ни тушуниш мумкин (14, 39).

Ўзбек тилшуноси Ғ. Мирсановнинг масалага ёндашуви юқоридаги фикрга ўхшаш. У аспектвал вазият деганда гапдаги тил воситалари ёрдамида ўз аксини топадиган аспектвал маъноларни (ҳаракатнинг бошланғич фазаси, якуний нуктага интилиши, ҳаракат оқими ёки ҳаракатнинг тугалланиши)ни тушунади. Шунингдек, олим аспектвал вазиятларнинг бир неча турларини изоҳлаган. Жумладан, ҳаракатнинг бошланиши инхоатив аспектвал вазият, тақрорий ҳаракатни итератив аспектвал вазият, ўрта оқимда бўлган ҳаракатни процессуал аспектвал вазият, тугал нуктага етган ҳаракатни терминатив аспектвал вазият, ҳаракатнинг тугалланиб бирор натижага келинганлигини натижавий аспектвал вазият каби номлар билан атаган (12, 61). Немис тилидаги бадий адабиётларда қўлланиши жиҳатидан сермахсул бўлган лимитатив нейтрал феъллардан бири *fahren* дир. Қуйида *fahren*нинг чегараланганлик вазифасида ифодаладиган аспектвал вазиятлар таҳлил қилинади. *Nach* предлоги билан келган юриш-ҳаракат феъллари бирор йўналишдаги юриш-ҳаракатнинг якуний манзил томон интилганини билдиради. Мисолни кузатамиз: 1) *Der Major von Malzahn, der Nachbar des jungen Wenzlow, war frühmorgens mit ihm nach Berlin gefahren, aus Vaterpflicht, wie er seiner Frau erklärte* (5, 74).

Ушбу мисолдаги тугалланганлик — субъект юриш-ҳаракатининг ўз якуний чегарасига етиб борганлиги, гапда қўлланилган плускуамперфект замон шакли ва уларга қўшимча тарзда *frühmorgens* темпораллик кўрсаткичи ёрдамида акс этган.

Ўзбек тилидаги мисолда ҳам терминатив аспектвал вазият берилиб, жумлада қўлланган яқин ўтган замон шакли ҳамда *эрта азонда* пайт-равиши юриш-ҳаракатнинг тугалланганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, гап таркибидаги *-га* жўналиш келишиги қўшимчаси ҳам феълга йўналишли юриш-ҳаракат маъносини бериб, терминативликни кучайтирган: (1a) *Кичик Венцловнинг қўиниси майор фон Малцер эрта азонда у билан бирга Берлинга жўнади; отасининг дўсти бўлганим туфайли шундай қилиш менинг бурчим, деб тушунтирди у хотинига* (4, 90).

Aus предлоги юриш-ҳаракат феъллари билан биргаликда қўлланганда субъектнинг бирор объект ёки маконни тарк этишини англатади: 2) *Die Liese sah durch das Küchenfenster dem Umzug zu. Sie wandte sich ab, als der Kuhwagen aus dem Dorf fuhr* (5, 145).

Ушбу мисолда объектнинг ўз турган нуктасидан узоклашиб, юриш-ҳаракат ўз тугал чегарасига етиши маъноси берилган. Бунга қўшимча тарзда, жумлада қўлланган имперфект замони ҳам терминативликни ифода этган.

Ўзбек тилидаги мисолда процессуал + терминатив аспектвал вазият берилган. Жумла таркибидаги процессуаллик *қараб турарди* қўшма феълга бирикиб келган *-ар* давомли замон қўшимчаси кўмагида акс этган. Терминативлик — кетма-кет тарзда бир субъект юриш-ҳаракати тугаб, иккинчи субъект ҳаракатининг амалга ошиши билан изоҳланади. Бундан ташқари *кейин* пайт-равиши, *чиқиб кетмоқ* қўшма ҳамда *ўғирилмоқ* содда феълнинг семантикаси орқали юриш-ҳаракатнинг тугалланганлиги, яъни терминативлик ҳосил бўлган. Мисолга эътибор берамиз: (2a) *Лиза эса ошхона деразасидан қараб*

турарди. Сигир қўшилган арава қишлоқдан **чиқиб кетгандан** кейин, у орқасига ўгирилди (4, 170).

Демак, ушбу мисолда процессуал + терминатив аспектуал вазият ифодаланган.

Икки акционал характерли *fahren* феъли *zu* предлоги билан келганда, субъектнинг бирор йўналишдаги юриш-ҳаракатининг якуний манзил томон интилишини билдириб, терминатив аспектуал вазиятда иштирок этади. Масалан: 3) *Castricius fuhr im Sommer allein mit dem eigenen Chauffeur, aber ohne die Tochter, zu einer Reihe von wichtigen Tagungen* (5, 199).

Ўзбек тилидаги мисолда процессуал + итератив аспектуал вазият берилган. Жумла таркибидаги процессуаллик **-ар** давомли замон қўшимчаси ёрдамида ифода этилган. Шунингдек, **-га** жўналиш келишиги қўшимчаси феълга йўналиш маъносини берса-да, аммо юриш-ҳаракат ўзининг якуний нуқтасига етмаганлиги кузатилади. Итеративлик (**бир неча**) воситасида ўз аксини топган. Натижада процессуал + итератив аспектуал вазият ҳосил бўлган: (3a) *Ёзда Кастрициус қизини қолдириб, ўзининг шофёри билан бир неча муҳим кенгашларга борарди* (4, 229).

Юқорида лимитатив нейтрал хусусиятли *fahren*нинг чегараланганлик вазифасида, асосан терминатив аспектуал вазиятда қатнашганлиги кўрилди. Қуйида мазкур феълнинг чегараланмаганлик функциясида иштирок этиши мумкин бўлган аспектуал вазиятлардаги маънолари ёритилади. Чегараланмаган хусусиятли *fahren* субъектнинг муайян макондаги ноаниқ йўналишли юриш-ҳаракатини билдириб келганда процессуалликни ҳосил қилади: (4) *Sie war einmal mit der Bahn gefahren, als ihre Tante Emilie sie hier eingemietet hatte* (5, 16). Мазкур мисолдаги процессуал аспектуал вазият шахснинг макондаги тугалланмаган ва мўлжалсиз юриш-ҳаракати билан боғлиқ. (4a) таркибидаги **келмоқ** феъли яқин ўтган замон шаклида аниқлаштирувчисиз қўлланади, юриш-ҳаракатнинг бирор объектга етганлигини кўрсатган. Мисолга эътибор қаратамиз: (4a) *Эмилия холаси уни шу ерда жойлаштириб қўйгани олиб келганида, Мария ҳам поездда келган эди* (4, 25). Мазкур мисолда **келмоқ** мустақил ва эди тўлиқсиз феъли орқали ўз аксини топган юриш-ҳаракат, ўзининг якуний нуқтасига этган. Натижада терминатив аспектуал вазият ҳосил бўлган.

Икки акционал семантикали *fahren* кейинги мисолда ҳам процесс оқимини ҳосил қилганлигини кўриш мумкин. Мазкур феъл *durch* предлоги билан биргаликда қўлланганда, субъектнинг муайян худуд ёки жой бўйлаб юриш-ҳаракатини, яъни маълум бир сатҳ орқали кечадиган ҳаракат оқимини акс этади: 5) *Er sah im Spiegel, dass das Gesicht der jungen Frau auf einmal bleich vor Erwartung war. Sie fuhr durch ein paar stille Strassen von Potsdam* (5, 157). Бу мисолдаги процессуаллик юриш-ҳаракатнинг маълум макон бўйлаб кечиши орқали изоҳланади. Ўзбек тили мисолида ҳам процессуал аспектуал вазият берилиб, бу ердаги ҳаракат оқими **-ётган** қўшимчаси билан ифодаланган. Шунингдек, мазкур жумлада икки ҳодисанинг бир пайтда содир бўлиши, яъни параллелизм ҳодисаси ҳам берилган: (5a) *Потсдам кўчаларидан зингилаб кетаётганларида ёш хонимнинг чехраси ҳаяжондан оқариб кетганлигини машина ойначасидан кўриб қолди* (4, 182). Лимитатив нейтрал характерли *fahren* феъли чегараланмаганлик вазифасида келганида итератив аспектуал вазиятда

ҳам иштирок этиши мумкин: 6) ... *der lebte jetzt mit Familie auf dem Gut auf der gegenüberliegenden Seeseite. Er fuhr im eigenen Auto oft nach Berlin zu den Alldeutschen Tagungen* (5, 92).

Ушбу мисолдаги такрорийлик *oft* — миқдор-даража равиши ёрдамида ўз ифодасини тошган. Мазкур равиш тез-тез ва такрорий содир бўладиган юриш-ҳаракатни ифодалайди.

Ўзбек тилидаги мисолда процессуал + итератив аспектuali вазият берилган. Процессуаллик **-ар** давомли замон кўшимчаси, шунингдек, *турмоқ* кўмакчи феъли семантикаси, итеративлик *тез-тез* равиши ёрдамида акс этган. *Fahren*нинг маъноси (ба)да **бориб турар эди** — аналитик қурилмаси орқали берилган. Бунда, *бориб* — равишдош вазифасидаги етакчи, *турар* — кўмакчи, *эди* — тўлиқсиз феълдир. А.Ҳожиевнинг фикрича, **тур** кўмакчи феъли у қайси замон шаклида бўлишидан қатъи назар, давомлилик маъносини ифодалайди (16, 36). Мисолни кузатамиз: (ба) *Фон Цизен ҳозир оиласи билан кўлнинг нариги тарафидаги именьесиди турар эди. У ўз машинасида Берлинда бўладиган умумгерман конференцияларига тез-тез бориб турар эди* (4, 111). Мисоллар таҳлилидан маълум бўлдики, икки акционал семантикали *fahren* чегараланмаганлик функциясида келганида процессуал ва итератив аспектuali вазиятларда иштирок этиши мумкин.

Мазкур феълнинг маъноси ўзбек тилида *жўнамоқ, бормоқ, келмоқ* содда феъллари ҳамда *зингиллаб кетмоқ, чиқиб кетмоқ, бориб турмоқ* каби аналитик конструкциялар орқали берилган.

Бадий адабиётларда кўлланиши жиҳатидан сермахсул бўлган яна бир лимитатив нейтрал феъл **laufen**дир. Қуйида *laufen*нинг чегараланганлик маъносиди аспектuali вазиятларни таҳлил қиламиз.

In предлоги билан қўлланган юриш-ҳаракат феъли субъектнинг бирор объектнинг ички қисми томон юриш-ҳаракатини кўрсатади. Бу ерда маълум мўлжалга етган юриш-ҳаракат орқали терминатив аспектuali вазият ифода этилган: 7) *Sie lief ins Nebenzimmer, um irgendeine Essen zu holen, mit der sie die Mutter aus ihrer Ohnmacht wecken könnte...* (7, 20).

Ўзбек тили мисолида ҳам терминатив аспектuali вазият берилган. Жумладаги тугалланганлик маъноси **югуриб кетмоқ** кўшма феъли семантикаси, шунингдек, *-га* жўналиш келишиги кўшимчаси воситасида берилган: (7а) *Синглиси онасини хушига келтириш мумкин бўлган бирон дорини топиб келиш учун ёндош хонага югуриб кетди* (8, 101).

Лимитатив нейтрал характерли *laufen* чегараланмаганлик вазифасида қўлланганда асосан процессуал аспектuali вазиятларда иштирок этиши кузатилди. Масалан: 8) *Es (Schneewitchen) lief, solange nur die Füße noch fort konnten, bis es bald Abend werden sollte, da sah es ein kleines Häuschen und ging hinein, sich zu ruhen* (9, 178).

Ушбу (8)даги ҳаракат оқими юриш-ҳаракат ёки ҳодисанинг давомийлигини ифодаловчи **solange, noch** кўмагида акс этган.

Ўзбек тили мисолидаги (*кучи борича, қоронғу тушгунга қадар*) воситасида давомий юриш-ҳаракат маъноси ифодаланган. Ўз тугал нуқтасига эга бўлмаган юриш-ҳаракат процессуалликни ҳосил қилади: (8а) *Оптоғой кучи борича, қоронғу тушгунга қадар югурибди. Бирдан кўзи кичкина ёғоч уйчага тушибди. Ичкарига кириб дам олмоқчи бўлибди* (1, 178).

Навбатдаги таҳлил қилинадиган мисолларда ҳам лимитатив нейтрал хусусиятли *laufen* ҳаракат оқими — процессуалликни ифода этган: 9) „*Das ist nicht wie in Netzig. Hier laufen Sie gleich halbe Tage...*“ (10, 14).

Мазкур мисолдаги давомийлик гапда презенс замонининг қўлланиши ва жумла таркибидаги (*gleich halbe Tage*) кўмагида ўз аксини топиб, у ўзбек тилида қуйидагича берилган: (9a) *Бу ер Немциг эмас. Бу ерда бир адашсанг, пешингача йўлингни тополмай саргардон бўлиб юрасан* (13, 13).

Ушбу (9a)да ҳам мисол феълнинг ҳозирги замон шаклида ифода этилиб, *laufen*нинг маъноси *саргардон бўлиб* — қўшма, *юрмоқ* мустақил феъли орқали акс этган. Бунда *саргардон бўлмоқ* — от феълдир.

Навбатдаги таҳлил қилинадиган мисолда ҳам ҳаракат оқими ўз аксини топган: 10) *Denn die kaiserlichen Renner liefen scharf; um ihnen vorauszukommen, musste man Gassen durchjagen...* (10, 336).

Ушбу мисолдаги процессуаллик чегараланмаганлик функциясида қўлланган *laufen* юриш-ҳаракат феъли семантикаси ва *scharf* сифати кўмагида ифода этилган.

(10a)даги *laufen* содда феъли (10a)да *ўқдек елиб борар* ибораси орқали берилган. Бу мисолдаги процессуаллик субъектнинг давомий юриш-ҳаракатини билдирувчи *-ар* давомли замон қўшимчаси ёрдамида берилган: (10a) *Кайзернинг юртоқи оти ўқдек елиб борар, улардан извошини ўздирши учун тор дараларга ўхшаган кўчалардан яшин тезлигида учиб бориши керак эди* (13, 356).

Демак, *laufen* юриш-ҳаракат феъли чегараланганлик функциясида қўлланганида асосан терминатив, чегараланмаганлик вазифасида процессуал аспектuali вазиятда иштирок этиши кузатилди.

Ушбу феълнинг маъноси ўзбек тилида *югурмоқ*, *чопмоқ* феъллари, *югуриб кетмоқ*, *саргардон бўлиб юрмоқ*, *ўқдек елиб бормоқ* қўшма феъллари кўринишида берилган.

Навбатдаги таҳлил қилинадиган немис тилидаги икки акционал семантикали юриш-ҳаракат феъли *rennen* бўлиб, мазкур феълнинг маъноси ўзбек тилида асосан қўшма феъллар (*чопиб келмоқ*, *чопиб кетмоқ*, *югуриб кетмоқ*) шаклида берилган.

Қуйида чегараланганлик функциясидаги *rennen* қатнашган аспектuali вазиятлар кўрилади.

Rennen жумла таркибида *zu* предлоги билан биргаликда қўлланиб, тугалланган юриш-ҳаракатни ифодалаш мумкин. Масалан: 11) *Er frass gemächlich, während die Leute nach der Pfeife zur Arbeit rannten* (5, 182). Немис тилидаги феъл (*rannten*) имперфектда акс этиб, гапда терминатив аспектuali вазият берилган. Мисолдаги терминативлик субъектнинг муайян манзилга етиб борганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, *während* пайт-равиши кўмагида икки вазиятнинг бир вақтда содир бўлиши — параллелизм ҳодисаси ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбек тилида яқин ўтган замон шакли қўлланган. Мисолдаги терминативлик шахснинг тугалланган юриш-ҳаракати орқали ифодаланади. Фарқли томони, *rennen* содда феълнинг маъноси ўзбек тилида *чопиб кетмоқ* — қўшма феъли тарзида ўз ифодасини топган: (11a) *Кишилар ҳуштакдан сўнг ўзларининг иш жойларига чопиб кетганларидан кейин ҳам, у бутербродини бамайлахотир чайнаб ўтираверарди* (4, 212).

Чегараланганлик вазифасидаги *rennen nach* предлоги билан биргаликда қўлланганда аспектиал комбинацияни ҳосил қилиши мумкин. Мисолни кузатамиз: 12) *Sie rannte auf der Strasse nach ihrer Bahn, als ob die Frau Hänisch sie wieder zurückziehen könnte* (5, 56). (12)даги *rennen nach* предлоги кўмагида субъектнинг маълум бир объект томон юриш-ҳаракатини акс этган. Аммо ушбу юриш-ҳаракат ўзининг якуний чегарасига бориб етганлиги аниқ кузатилмаяпти. Натижада терминатив + процессуал аспектиал вазият ҳосил бўлган.

Ўзбек тилидаги мисолда юриш-ҳаракат муайян манзилга йўналган бўлиб, мазкур юриш-ҳаракат ўзининг якуний чегарасига бориб етганлиги маълум эмас. Шу сабабли бу ерда ҳам терминатив + процессуал аспектиал вазият акс этган: (12a) *У кўчага гўё frau Хениш орқасидан қувлаб, қайтариб олиб кетадигандай трамвайга қараб тез чопиб кетди* (4, 70).

Чегараланган *rennen* итератив аспектиал вазиятда ҳам иштирок этиши кузатилди. Масалан: (13) *Hans rannte zu seiner Schwester, wenn seine Hose zerrissen war oder wenn er sonst ihre Hilfe brauchte* (5, 268).

Ушбу мисолдаги такрорийлик *wenn* равиши кўмагида ўз ифодасини топган.

Ўзбек тилидаги мисолда ҳам такрорийлик, ҳам терминативлик маъноларини кўриш мумкин. Бу ердаги терминативлик *чопиб келмоқ* қўшма феъли семантикаси ва *олдига* ўрин-равиши, итеративлик *-ар* давомли замон қўшимчаси орқали ифодаланган. Шунинг учун, бу мисолда терминатив + итератив аспектиал вазият берилган, дейиш мумкин. Мисолга эътибор қаратамиз: (13a) *Ганс фақат иштони йиртилиб қолса ёки бирор ёрдамга муҳтож бўлган тақдирдагина опасининг олдига чопиб келарди* (4, 307).

Демак, чегараланганлик функциясидаги *rennen* терминатив, терминатив + итератив ҳамда итератив аспектиал вазиятларда ҳам қатнашиши мумкин.

Куйида чегараланмаганлик вазифасидаги *rennen*нинг аспектиал вазиятдаги маънолари ёритилади. Таҳлил қилинадиган мисолда ушбу феъл юриш-ҳаракатни амалга ошишида восита бўлган предмет маъносини англатувчи *durch* предлоги билан биргаликда қўлланган: 14) *Er rannte durch ein paar Strassen, bis er in die Walterstrasse kam, wo jetzt seine Schwester wohnte* (5, 331). Ушбу мисолда чегараланмаган характерли *rennen* тугалланган юриш-ҳаракатни ифода этган. Бу ердаги терминативлик жумла таркибидаги кейинги вазият (*bis er in die Walterstrasse kam*) таъсирида ҳосил бўлган.

Ўзбек тили мисолидаги терминативлик *ўтмоқ* натижавий юриш-ҳаракат феъли ҳамда гапдаги кейинги вазият (*опаси истиқомат қилиб турган Вальтерирасседаги уй олдида тўхтади*) кўмагида акс этган: (14a) *У бир неча кўчадан ўтиб, опаси истиқомат қилиб турган Вальтерирасседаги уй олдида тўхтади* (4, 378).

Навбатдаги мисолдаги ҳаракат оқими — субъектнинг йўналиши номаълум бўлган ҳамда тугалланмаган юриш-ҳаракати воситасида ўз аксини топган: 15) *... er fühlte, er musste rennen. Er rannte im Dunkeln im sein Leben, obwohl niemand hinter ihm her war* (5, 297).

Берилган (15a)да ҳам шахснинг бирор мўлжалга ва якуний чегарага эга бўлмаган юриш-ҳаракати кўмагида процессуал аспектиал вазият ҳосил бўлган: (15a) *Ганс қутулиб қолиши кераклигини фаҳмлади ва гарчи ҳеч ким унинг орқасидан қувлаётган бўлмаса ҳам, ўз ҳаётини*

сақлашга уриниб, чопаётганларга ўхшаб қоронгиликда **чопиб кетди** (4, 339).

Демак, чегараланмаганлик функциясидаги *rennen* нафақат процессуал, балки терминатив аспектуал вазиятда ҳам иштирок этиши мумкин.

Мисоллар таҳлилидан маълумки, икки акционал семантикали юриш-ҳаракат феъллари чегараланганлик вазифасида, асосан, юриш-ҳаракатнинг тугал нуктасига етиб яқунланганлигини кўрсатувчи терминатив, чегараланмаганлик функциясида қўлланганда, юриш-ҳаракатнинг давомийлиги, тугалланмаганлигини ифода этувчи процессуал аспектуал вазиятларда қатнашиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акбар А., Азимова О., Алимов Т. Қадимий қутичадаги эртақлар. — Т.: Давр. 2014.— 192 б.
2. Бондарко А.В. Лимитативность как функционально-семантическое поле // Теория функциональной грамматики. Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. — Л., 1987. — С. 46–47.
3. Vendler L. Verbs and times // Der englische Aspekt. / Ed. By A. Schopf. — Darmstadt, 1974. 4. Зегерс А. Барҳаёт ўликлар. — Т., 1962. — 662 б.
5. Seghers A. Die Toten bleiben jung / A. Seghers. Berlin und Weimar.: Aufbauverlag, 1980. — 695 s. 6. Иванова И. П. Вид и время в английском языке. — М., 1961. — 200 с.
7. Kafka F. Das Urteil//Geschichte. — Kurt Wolff Verlag: Leipzig, 1916.
8. Кафка Ф. Ота ҳукми. — Т.: Давр пресс. 2015. — 288 б.
9. Kocialek A. Die Kinder — und Hausmärchen der Brüder Grimm. — Berlin.: Der Kinderbuchverlag. — 304 s.
10. Mann H. Der Untertan. Dresden: Aufbau-Verlag Berlin und Weimar. 1967. — 443 s.
11. Маслов Ю.С. Очерки по аспектологии. — Л., 1984. — 262 с.
12. Мирсанов Ғ.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектуал хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. — Самарқанд., 2009. — 155 б.
13. Миркарим Осим. Содик фуқаро. — Т.: Гафур Ғулом. 1970. — 460 б.
14. Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита. — Т.: Фан, 1999. — 121 с.
15. Ярцева. В. Н. Лингвистический энциклопедический словарь. — М.: Сов. Энциклопедия, 1990. — 683 с.
16. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. — Т., 1966. — 220 б.

References

1. Akbar A., Azimova O., Alimov T. *Qadimiy qutichadagi ertaklar* (Fairy Tales in the Old Box), Tashkent, 2014, 192 p.
2. Bondarko A.V. *Teoriya funktsionalnoy grammatiki*, Leningrad, 1987, pp. 46–47.
3. Vendler L. (1974) Verbs and times. *Der englische Aspekt*. Ed. By A. Schopf, Darmstadt. (in German)
4. Zegers A. *Barhayot o'liklar* (Live deads), Tashkent, 1962, 662 p.

5. Seghers A. (1980) *Die Toten bleiben jung* / A. Seghers. Berlin und Weimar.: Aufbauverlag, 695 s. (in German)
6. Ivanova I.P. *Vid i vremya v angliyskom yazke* (Aspect and Tense in the English Language), Moscow, 1961, 200 p.
7. Kafka F. *Das Urteil. Geschichte*, Kurt Wolff Verlag: Leipzig, 1916. (in German)
8. Kafka F. *Ota hukmi* (Fathers sentence), Fathers sentence, Tashkent, Davr press, 2015, 288 p.
9. Kocialek A. *Die Kinder — und Hausmärchen der Brüder Grimm*, Berlin.: Der Kinderbuchverlag, 304 s. (in German)
10. Mann H. (1967) *Der Untertan*. Dresden.: Aufbau-Verlag Berlin und Weimar. 443 s. (in German)
11. Maslov Yu.S. *Ocherki po aspektologii* (Essays on aspectology), Leningrad, 1984, 262 p.
12. Mirsanov G'.Q. *Ingliz va o'zbek tillarida yurish-harakat fe'llarining aksional va aspekt xususiyatlari* (Actual and aspectual features of the verbs of action-movement in English and Uzbek): candidate's thesis, Samarkand, 2009, 155 p.
13. Mirkarim Osim. *Sodiq fuqaro* (Loyal citizen), Tashkent, 1970, 460 p.
14. Rizayev B.X. *Problema aspektnoy semantiki vremennx form nemeskogo glagola. Aspektnaya semantika priterita* (The problem of aspectual semantics of the temporal forms of the German verb. Aspectual semantics of preterit), Tashkent, Science, 1999, 121 p.
15. Yarseva V.N. *Lingvisticheskiy ensiklopedicheskiy slovar* (Linguistic Encyclopaedic Dictionary), Moscow, 1990, 683 p.
16. Hojiyev A. *O'zbek tilida ko'makchi fe'llar* (Auxiliary verbs in the Uzbek language), Tashkent, 1966, 220 p.